

# **Қонунчиликдаги янгиликлар юзасидан тарғибот тадбири үтказилди**



Бугун Термиз туманиндағы 13-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида туман Адлия, Ички ишлар ва Қўриқлаш бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлиги тизимида самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа қонунчиликдаги янгиликлар юзасидан аҳоли вакиллари иштирокида тарғибот йиғилиши үтказилди.

Йиғилишда сўзга чиқсан масъуллар ўз соҳаларида аҳоли турмуш тарзига таълуқли бўлган янгиликлар, қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятлари билан таништиришди.

Шунингдек, тадбирда иштирок этган фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан соҳа масъулларининг атрофлича жавобларини олишди.